


В О Х О



АЗИЗ ШИФОКОР ВА ҲАМШИРАЛАР!

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали раҳбари Я.Ахматов ва жамоаси юртимизнинг барча тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро учун юқори сифатли ва малакали тиббий хизмат тизимини яратиш устувор вазифа сифатида белгиланиб, бу йўналишда кенг қўлланми ислохотлар амалга ошириляётгани сизларга яхши маълум.

"Инсон қадри учун" деган эзгу тамойилни жамиятимиз ҳаётида тўла рўёбга чиқариш мақсадида кейинги вақтда юртимизда соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан мунтазам учрашиб, олдимизда турган вазифалар ва долзарб муаммоларнинг ечимлари ҳақида фикрлашиб олиш ибратли анъанага айланди.

Бугунги кунда сизларнинг фаол саъй-ҳаракатингиз билан тиббиёт хизмати бевосита маҳаллаларга, ҳар бир юртдошимизнинг хонадонига кириб бормоқда. Юқори малакали шифокорлар, олим ва мутахассислар жойларга чиққан ҳолда, оғир хасталиклардан азият чекаётган беморларнинг саломатлигини тиклашга муносиб ҳисса қўшмоқда.



ҚОН БОСИМИ ОШИШИ (ГИПЕРТОНИЯ) - САБАБЛАРИ, БЕЛГИЛАРИ, ТАСНИФИ, ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Қон босими ошиши ёхуд гипертония - бугунги кунда юрак-томир тизимининг энг кенг тарқалган касалликларидан бири ҳисобланади. Касаллик артериал қон босимининг кўтарилиши билан намоён бўлади ва кўпинча унинг кўрсаткичи 140/90 дан ошиб кетади.

Юрак-томир касалликлари соҳасидаги кўплаб экспертларнинг фикрича, гипертония кўпинча қон айланиши бузилишлари натижасида содир бўлади. Юрак етишмовчилиги ҳам унинг сабабчилари рўйхатига киради. Мазкур касаллик беморларда иккиламчи касалликлар ривожланишига туртки бўлиши мумкин, масалан инсулт, юрак хуружи.

Юқори артериал қон босими қон томирларига салбий таъсир кўрсатади, чунки улар қисқа вақт давомида бирдан тораяди. Жуда кучли босимда эса баъзи қон томирлар бардош бера олмай ёрилади ва ички қон кетиш аъзоларда содир бўлади.

Гипертония касаллиги ҳақида.

Гипертония - қон томирларнинг нерв-функционал фаолияти бузилиши натижасида келиб чиқадиган касалликдир. Касаллик асосан 40 ёшдан катталарда учрайди, лекин сўнгги йилларда ёшларда ҳам тез-тез кузатилиши қайд қилинмоқда. Гипертониядан аёллар ҳам, эркеклар ҳам бир хил азият чекишади. Бу касал-

лик юрак-қон томир тизими касалликлари билан касалланган одамлар ичида етакчи ўлим сабабларидан ҳисобланади.

Неча ўн йилликлар давомида олимлар бу касалликни

га келади.

Бундан ташқари, кўплаб беморларда куйидаги белгилар учрайди:

Осонликча бурун қонаши, қайт қилиш, уйқусизлик, хотиранинг йўқолиши;

Ҳар қандай жисмоний фаолликдан сўнг тери юзасининг қизариши;

Кўздаги кучли босим (бемор атрофга қараганда кўзларда оғриқ пайдо бўлади, шунинг учун улар дам олишни ва кўзларини ёпиқ тутишни афзал

қўришади);
Юракнинг тез уриши;

Тўқималарда шилар пайдо бўлиши;

Ч а р - ч о қ .

Гипертония келиб чиқиш сабаблари:

Касалликнинг ривожланиш сабаби узоқ вақт давомида стресс ва тушкунлик ҳолатида юриш, тез-тез психологик зўриқишлардир. Кўпинча буларни доимий эмоционал тарангликни талаб этадиган иш фаолияти келтириб чиқаради. Бундан ташқари, мия чайқалишига, учраган беморларда ҳам касаллик ривожланиши хавфи юқори бўлади. Ирсий мойил-

лик ҳам сабаблар қаторида: агар кишининг авлодида бу касаллик учраган бўлса, унда ҳам ушбу касаллик ривожланиши хавфи бир неча баробарга ортади.

Касаллик ривожланишига таъсир ўтказувчи омиллардан асосийси - бу камҳаракат турмуш тарзидир. Ёш ўтиб боргани сари инсонларда атеросклероз ривожланиши мумкин, бу ўзгариш фонида қон босимининг ошиши эса вазиятни янада жиддийлаштириб юборади. Бу ҳаёт учун ўта хавфли ҳисобланади, чунки торайган қон томирлар орқали мия, юрак, буйракларнинг бир қисмига қоннинг бормай қолиши ёки етарли бормас-



лиги кузатилади. Агар қон томир деворларида тромб ва холестерин тўпланмалари бўлса, улар кучли босим вақтида ажралиб, капилляр қон томирларда тикилиб, қон ўтишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бу ҳолда миокард инфаркти юзага келади.

Умумийлаштириб олганда, гипертония ривожланишига таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат: Ортиқча

вазн, метаболик касалликлар, эндокрин касалликлар, камҳаракат турмуш тарзи;

Мунтазам эмоционал стресслар, руҳий тушкунлик, фожеали воқеаларни бошдан ўтказиш, яқин инсонларни йўқотиш;

Бизнесдаги, ишдаги муаммолар туфайли кучли асабий таранглик;

Бош мия жароҳатлари (автоҳалокат, йиқилиш, гипотермия);

Юрак-томир тизимига салбий таъсири бор сурункали касалликлари (қандли диабет подагра ревматоид артрит)

Ирсий мойиллик;

Вирусли ва юқумли касалликлар (менингит синусит, гайморит)

Қон томирларида ёш билан боғлиқ ўзгаришлар;

Қонда холестерин миқдорининг юқори бўлиши, натижада қон томир деворларида тўпланмалар ҳосил бўлади;

Зарарли одатлар (чекиш, алкоғолли ичимликлар ичиш, меъёрдан ортиқ қаҳва истеъмол қилиш);

Кун давомида кўп миқдорда туз истеъмол қилиш;

Қонда адреналиннинг ошириши;

Компьютер қаршисида узоқ вақт ўтириш;

Очиқ ҳавода кам юриш ва ҳоказо.

Гипертоник криз нима?

Гипертоник криз касаллик чўққисининг намоён бўлишидир. Бу ҳолатда қон босими тезда кўтарилади, юқорида келтирилган белгиларнинг ҳаммаси кузатилади, бунга қўшимча равишда беморларда кўнгил айнаши, қусиш, терлаш, кўзнинг қоронғулашиши юзага келади. Бундай кризлар бир неча дақиқадан бир неча соатгача давом этиши мумкин. Юрак уриши сезиларли даражада тезлашади, беморда қўрқув ва ҳаяжон пайдо бўлади. Бу ҳолатда ёноқлар қизаради, сийдик ва нажас ажратиш назорати йўқолади. Гипертоник криз кўпинча куннинг иккинчи ярмида ёки кечқурун юзага келади.

Гипертония сабаблари ва белгилари:

Беморга аниқ ташхис қўйиш учун шифокор бир неча лаборатория таҳлиллари ва аппарат текширувлари ўтказиши керак бўлади. Ташхиснинг мақсади касалликнинг босқичи ва гипертония даражасини аниқлаш ҳисобланади. Ушбу маълумотлар билан шифокор самарали даволаш усулини танлаш имкониятига эга бўлади.

Уй шароитида ҳар бир инсон ўз қон босимини мунтазам ўлчаб туриши керак, энг оптимал кўрсаткич 120/80 мм сим.уст (қуйида бирлик деб келтирилади)га тенг, ёши катталар учун 130/90. Атроф-муҳит таъсири ёки жисмоний фаоллик натижасида босим 5-10 бирликка ортиши мумкин. Қуйи ва юқори босим ўртасидаги жуда катта фарқ ҳам хавфли учун белги бўлади - одатда бу кўрсаткич 50 бирликдан ошмаслиги керак. Агар қон босимининг тез-тез ўзгариши кузатилса, шифокор билан учрашиш тавсия этилади.

Байрамали ЖўРАЕВ,
Артериал Гипертензия бўлим бошлиғи шифокор кардиолог

ГИЁҲВАНДЛИК-АСР ВАБОСИ, УНДАН ЁШЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК!

Инсоният тараққиётнинг янги-янги чўққиларини забт этмоқда. Бироқ жаҳонда халқлар, миллатлар келажагига таҳдид туғдирувчи бир қанча омиллар ҳамон сақланиб қолмоқда. Ана шундай хатарлардан бири гиёҳвандлик балосидир. Глобал муаммога айланган ушбу иллатга қарши курашишда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган асрдан бизга “мерос” бўлиб қолган трансмиллий жинойatchиликнинг учта энг хавфли тури инсоният келажагига хавф солиб келмоқда. Хусусан халқаро терроризм, дин ниқоби остида-

ги экстремистик, фундаменталистик ва сепаратистик хуружлар, наркотик моддалар билан савдо қилиш (наркобизнес); одам савдоси ҳисобланади. Ҳозирги кунда ер юзидаги наркобизнесда айланаётган пул маблаг и дунё аҳолисининг озик-овқат, кийим-кечак, турар-жой, таълим тизими ва тиббий хизматга сарфланаётган харажатларидан анча кўплиги билан фарқланиши ҳеч кимга сир эмас.

С.РАХМОНОВ,
вилоят ИИБ ТҚХ ЖКБ
катта тезкор вакили, майор

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ - БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Жамиятда шундай иллатлар борки, у маълум бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиётига тўғанок бўлади. Давлатни ич-ичидан емирадиган ана шундай иллат - коррупция ва порахўрликдир. Айнан шу иллат сабабли кўплаб давлатларнинг инқирозга юз тутгани ҳам тарихдан маълум.

Тараққиётнинг янги босқичга қадам қўяётган Ўзбекистон учун коррупциянинг ҳар қандай шаклдаги кўриниши ислохотлар шиддатини сусайтириши билан хавфли.

Умуман олганда, сўнгги йилларда қилинган ишлар таҳлили аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилганини кўрсатиб турибди.

Ислохотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислох қилинди.

Албатта, бажарилган ишлар салмоқли. Аммо биз кечаги қилган ишимизнинг натижасига маҳлиё бўлиб қолсак, эртанги ишимизнинг якуни биз кутганчалик бўлмаслиги табиий.

Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

У.ЖўРАЕВ,
вилоят ИИБ ТҚХ ЖКБ катта тезкор вакили, капитан

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ - ДАВР МУАММОСИ

Бугунги кунда аср муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш нафақат маҳаллий, балки халқаро даражадаги инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлашдаги асосий масалалардан биридир. Ачинарлиси, ушбу иллатни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари олиб борилишига қарамай, миллионлаб инсонлар одам савдоси қурбонига айланмоқда. Мазкур жинойatchнинг ривожланишига сабаб бўлаётган омиллардан бири фуқароларнинг хорижга бориш ва меҳнат қилишнинг тартиб-қоидалари хусусида етарлича маълумотларга эга бўлмаслиги ҳамда фирибгарлар тузоғига илиниб қолишидадир.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳам одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида улкан ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини, яқин ҳамкорлиги ва баҳамжиҳат ишлашларини таъминлаш мақсадида уларнинг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш ама-

лиётини такомиллаштириш мақсадида одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш;

одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича кўрилатётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги жинойatchларни аниқлаш, тергов қилиш, олдини олиш ва уларга чек қўйиш амалиётини ўрганиш;

одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида самарали халқаро ҳамкорлик ва баҳамжиҳат ҳаракатни ташкил этиш, шунингдек, мазкур соҳада ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва маърузалар тайёрлаш.

Айтиш лозимки, бугунги кунга келиб одам савдосининг авж олишига, яъни инсонни қандайдир бир буюм сифатида, таъбир жоиз бўлса инсонни олди-сотдининг объекти сифатида фойдаланилиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига нималар сабаб бўлмоқда?

Ж.ИСЛОМОВ,
вилоят ИИБ ТҚХ ЖКБ
катта тезкор вакили, капитан

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ - МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР

Биз тинчликсевар халқмиз. Уйимиз, маҳалламиз, юртимиз тинч бўлса, хотиржам меҳнат қилиб, ҳар қандай ютуқ ва маррага эришамиз. Одамнинг онги, тафаккури тоза, маънавияти юксак бўлса ҳеч қандай ташқи ғаразли кучлар унга таъсир кўрсата олмайди.

Бугун ер юзида ҳукм сураётган мураккаб ва таҳликали даврда экстремизм ва терроризмнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва унга қарши кураш жаҳон ҳамжамияти учун энг долзарб масалага айланди.

Дарҳақиқат, ўзини диндор, иймонли кўрсатиб, бўлмағур сафсаталари билан атрофидаги одамлар, айниқса ёшлар ишончига кириб олишга уринаётган мутаассиб кучлар ҳар қуни, балки ҳар лаҳзада тинч ва осуда ҳаётимизга хавф солиши, ёшлар онгини заҳарлашга интилиши табиий. Бундай қора ниятли кучларнинг пайини қирқиш, сохта

ақидаларини, риёкорликларини фош этиш ҳар бир кишининг бурчидир.

Айтиш жоизки, экстремизм ва терроризм маънавий таҳдидларнинг бир тури бўлиб, улар ўзлари мансуб бўлган диний конфессия вакилларини радикал ҳаракатларга қорловчи, мамлакатдаги тинчлик ва осойишталикни издан чиқаришга интилувчи, мавжуд конституцион тузумни ағдариб ташлашга даъват этувчи тажовузкор сиёсий фаолият ҳисобланади.

Экстремистик ташкилотларнинг асосий фаолият услублари сифатида экстремистик руҳ-

даги, шу жумладан, “жиход”, “шайхидлик” ғоялари тарғиб қилинган адабиёт, видео ва аудио тасмаларни тарқатиш, яширин гуруҳлар тузиш ва унинг аъзоларини махсус тайёргарликдан ўтказиш, ўз тарафдорларини давлат структураларига киритишга уриниш, аёллардан иборат ячейкаларни қучайтириш, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни кескин қоралаш, расмий диний идора вакилларини обрўсизлантириш ҳамда бевоСИта террористик акциялар ўтказишни кўрсатиш мумкин.

Саидбек НАРЗУЛЛАЕВ,
вилоят ИИБ ТҚХ ЖКБ
катта тезкор вакили, капитан

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ - ЗАМОНАМИЗ МУАММОСИ

Ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш қиёматгача тўхтамайди. Ислom динининг ҳақ дин эканини ҳозирги кунда аксар одамлар англаб етмоқда ва мусулмонларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Динимиз душманлари эса бундан ташвишга тушмоқда. Мусаффо ислom динини ёмон қилиб кўрсатиш учун минг турли найранглар ва фитналар ўйлаб топишяпти.

XXI асрнинг энг глобал муаммоларидан бири экстремизм ва терроризм балоси десак, муболага бўлмас. Энг ачинарли тарафи бу балонинг тузоқ тўрига илинаётганларнинг аксари мусулмонлар эканидир. Яъни, илмсиз, ақидавий қоидаларни билмайдиганлар уларнинг тузоқларига илинмоқдалар. Натижада, мусулмон мусулмонни ўлдирмоқда, мусулмон ўлкалар харобага айланмоқда ва шу каби катта катта кўнгилсизликлар содир бўлмоқда. Бу ҳолатни ташқаридан кўрганлар эса мусулмонлар-

ни экстремизм ва терроризмда айбламоқда.

Динимизда машҳур бир қоида борки, “Ҳар қандай муаммонинг сабаби илмсизлик, ечими эса илм-маърифатдир”. Шунга кўра бу муаммодан қутулишнинг ягона йўли мусулмонларнинг илмий савиясини ошириш, эътиқодий тушунчаларни тўғри шакллантиришдир. Бу муаммони ҳал қилиш фақат давлат раҳбарлари ёки тегишли ташкилотларнинг вазифаси эмас, ҳар бир мусулмоннинг вазифасидир. Ҳар биримиз аввало ўзимизни ислоҳ қилсак, қолаверса ўсиб келаётган фарзанларимизни эътиқодий тушунчаларини тўғри шакллантира олсак, асло уларнинг тузоқларига тушмайдилар. Зеро, илм ўрганиш ҳар бир мусулмоннинг вазифасидир.

А.ЭРГАШЕВ,
вилоят ИИБ ТҚХ ЖКБ катта тезкор вакили, подполковник

ХУШЁРЛИК ВА ОГОҲЛИК - ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топтириш, уларни маънавиятимизга ёт зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги оммавий коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиб, интернет тармоқларидаги хизматлардан фойдаланувчилар орасида ёшларнинг тобора ортиб бориши, бу борада ҳар биримизни янада хушёрроқ ва огоҳ бўлишимизни талаб этмоқда. Ҳар бир нарсани ижобий ва салбий томони бўлганидек, ижтимоий тармоқлар ҳам яхшиликка ёки ёмонликка хизмат қилиши мумкин.

Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, иймон-эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаб, бой тарихимиз ва улуг аجدодларимиз ҳақида уларнинг хабардорлик даражасини оширишга эътибор қаратмас эканмиз, биз ўзгалар томонидан динни тарғиб қилиш орқали терроризм, экстремизм, диний адоват, оила институтига беписандлик, қонунчиликка ва кўп асрлик миллий урф-одатларимизга риоя қилмаслик каби салбий таъсир кўрсатилишига йўл қўйиб ва ёшларимизнинг порлок келажагига путур етказишимиз мумкин”.

Ш.ОРТИҚОВ,
Дехқонобод тумани ИИБ ТҚХ ТҚКГ ТЧХ ТГ
катта тезкор вакили, майор

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК!

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари аниқ белгилаб олинди. Ўтган давр мобайнида ана шу йўналишлар бўйича кенг қўламли изчил ишлар амалга оширилди ва салмоқли натижаларга эришилди. Айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш борасида қилинаётган ишларнинг миқёси ва салмоғи бекиёс. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни бекиёсдир.

Бугунги ахборот технологиялари

асрида, юксак илм-фан ва тафаккур замонида бирор-бир касбни пухта эгалламасдан, шу соҳада ўзининг истеъдоди ва маҳоратини кўрсатишга қодир бўлмасдан туриб, баркамол инсон даражасига кўтарилиб бўлмайди. Ҳамма замонларда ҳам етуқлик, аввало, билим ва ҳунар, юксак фазилатлар эгаси бўлиш билан белгиланган. Шунинг учун Президентимиз баркамол авлод ҳақида гапирганда, масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида урғу беради. Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия жараёни ана шу талабларга мос ҳолда олиб борилмоқда.

Шеркул ФОЗИЛОВ,
вилоят ИИБ ТҚХ ЖКБ ўМИБ
тезкор вакили, подполковник

ОДАМ САВДОСИ - АСР МУАММОСИ

Бугунги кунга келиб асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда. Ҳозирга қадар жинойatchиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий характерга эга ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Афсуски, дунё бўйлаб шунча кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар “замонавий қуллик”, яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарли. Ушбу жинойatchнинг ривожланишига туртки бўлаётган асосий омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир.

Одам савдоси - куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш вазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фохишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Улугбек ҲАҚБЕРДИЕВ,
вилоят ИИБ ТҚХ ЖКБ тезкор вакили, майор

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ - ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИДА МУҲИМ ОМИЛ

Коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиб улгурди. Буни сўнгги йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупцияни олдини олишга қаратилган маъмурий ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон ислохотларининг асосий ҳужжати ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти катта ҳисобланади.

Мамлакат тараққиётининг энг муҳим йўналишлари белгиланган Ҳаракатлар стратегиясининг Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-



ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишида бевоСИта коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Элёр БАДАЛОВ,
вилоят ИИБ ТҚХ ЖКБ ўМИБ
тезкор вакили, подполковник

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР

Аввало, халқимиз саломатлигини асрашдек масъулиятли ва шарафли йўлда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни

«Тиббиёт ходимлари куни» билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Маишхўр юнон табиби Гиппократнинг: "Тиббиёт ва донишмандлик ўзаро ҳамоҳанг ва чамбарчас боғлиқдир", деган сўзларида катта маъно бор.

Дарҳақиқат, дунёдаги энг бебаҳо бойлик, тенгсиз неъмат ҳисобланган инсон соғлигини сақлаш, бемор кўнглида умид ва ишонч уйғотиб, уни соғлом ҳаётга қайтариш

учун шифокор нафақат чуқур билим ва тажриба соҳиб, айти пайтда юксак ақл-заковат ҳамда олийжаноб қалб эгаси бўлиши даркор.

Ўз ҳаётини ана шундай улўғ ва савобли ишга бағишлаб, одамларнинг дардига дармон бўлишни муқаддас бурч деб билган тиббиёт ходимларининг шаънига ҳар қанча таҳсинлар айтсак арзийди албатта!

Ҳурмат ва эътиром ила Суннат АБДУЛЛАЕВ 1-сонли Асаб руҳий касалликлар диспансери бўлим бошлиғи

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар давлатимизни ерга бўлган, мулкчилик муносабатлари ва хўжалик юритиш усулларини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар ўз тасдиғини топмоқда, на-

нинг амалиётда қўлланиб келинаётганлиги ётади. Олиб борилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини берди. Асо-

ихтисослаштирилган бўлиб, фермер Сирожддин Бердиев 2004 йилдан буён шу соҳа билан шуғулла-

таъкидлаб ўтмоқ лозим. Соҳада бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Фермер деҳ-

НАТИЖАЛАР КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА



тижалар эса кўзга ташланмоқда. Бугун мамлакатимизнинг қайси бир ҳудудига борманг жаннатмакон боғ-у роғлар, бепоён далалар, янгидан-янги барпо этилаётган ва ҳудудларимиз кўркига кўрк қўшаётган биноларга гувоҳ бўласиз.


Албатта, бу ислохотлар замирида тинч-тотувлик ва қабул қилинаётган қарорлар-

сийси, халқимизнинг ерга, мулкка бўлган муносабати ўзгарди. Дарҳақиқат, туманларда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Кичкина мисол тариқасида Яккабоғ туманидаги "Сурқаш келажиги" фермер хўжалигини келтиришимиз мумкин. Хўжалик асосан пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва боғдорчиликка

ниб келмоқда.

Ҳозирги кунда фермер 20 дан ортиқ инсонни иш билан таъминлаган. 2023 йил пахта мавсумида 20 гектар ерга «Бухоро-102» навли пахта экиб режани 100% га бажарган. Теримчиларга ҳар куни иссиқ овқат ва рағбатлантириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Шу ўринда кейинги йиллар мобайнида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, таркибий ўзгаришлар иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутувчи қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинаётганини алоҳида



қонларимизнинг даромадини ошириш мақсадида янги-ча тизим жорий қилинмоқда.

Гулзода ШОДМОНОВА

Бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли янгила-ниш ва ас-рий ўзга-ришлар на-фақат юрт-дошларимиз балки дунё ҳамжамия-ти томони-дан ҳам кат-та қизиқиш б и л а н кўллаб-қув-ватланмоқ-да.

Мамлака-тимиз мус-тақилликка эришган да-ст л а б к и йилларда-ноқ иқтисо-диётнинг барча жаб-ҳалари қатори аграр соҳани ривожланти-ришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар амал-га оширилиб, хўжалик юритишнинг замона-вий шакллари жорий

лияти билан шуғулла-ниб келаётган фер-мерлардан бири "Ғиша тепа" фермер хўжалиги раҳбари

вақтлари шартнома-ларни тўлиқ бажариб

102" навли пахта эка-миз. Бу нав жуда

маҳал иссиқ овқат қилиб берилади.



бермоқдамиз. 2001 йили мус-тақиллигимиз-

ҳосилдор, яхши пах-та ҳисобланади. Жо-рий йилда пахта йи-

Ҳозирда 24 гектарга пахта экканмиз ва 37 центнердан 88 тонна

ДАРОМАД ҲАМ ҲАРАКАТГА МОНАНД

Боймуродов Бердимурод. - "Асосий фаоли-ятим қишлоқ хўжалиги

нинг 10 йиллиги му-носабати билан ме-даль билан тақдир-ландим. Асосий иш

ф и м - терим мав-суми



1 0 с е н - тябрь кун и бош-лан-ган. 2 4 гектар пахта шарт-номамиз бор бўлиб шартномамиз бор. жорий йилда фақат Худо хоҳласа 40 цент-



этилди.

Буни давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-ри пахта ва ғалла етиштириш, шунинг-дек, чорвачилик, пар-

пахтачилик ва ғалла-чилик. 1980 йили иш фаолиятимни бошла-дим. Яъни 1983 йил-дан 2004 йилгача бри-гадр бўлиб ишлаган-ман. Бу орада 1995 йили фермерлик бош-ладим. Ҳозиргача фермер бўлиб ишлаб келмоқдаман.

Пахта, ғалла йиғим-терим

тонна би-лан шар-тномани ортиғи б и л а н бажар-дик. Биз-



томчилатиб суғориш йўли билан пахта-ларимизни парвариш қилдик. Бу томчила-тиб суғориш усулимиз пахта учун жуда фой-дали экан. Айти дам-да қўл остимда дои-мий ишчиларим 18 на-фар бўлиб, булардан 6 нафарини эркалар ва 12 нафарини аёл-лар ташкил этади. Мавсумий ишлайди-ган ходимларимиз эса 60 нафардан иборат. Пахта йиғим-те-рим мавсумида те-римчиларимизга бир

нер пахта топширамиз деб ўйлаймиз.

2023 йил 30 гек-тарга "Супер элита" навли ғалла экдик ва 60 центнер ҳосил ол-дик. 2024 йил учун 34 гектарга "Супер эли-та" навли ғалла экилган. Ҳозирги кунда совуқ тушма-сидан олдин тезроқ кўкартириб олиш ни-ятида ҳаракат қиляп-миз" - дейди фер-мер.

Сухбатлашди Гулзода ШОДМОНОВА



рандачилик ва бошқа кўплаб тармоқларни ривожланмоқда. Анча йиллардан буён фермерлик фао-

нинг пахтамиз 1-2-навли пахта бўлиб, даромадимиз йилига 1 миллиарддан зиёд бўлган. Биз "Бухоро-

11 ноябрь -
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ КУНИ

**ЎРМАТЛИ КАСАБА УЮШМА
ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ!**

*Бугунги кунда меҳнаткашларимиз қал-
бида шукуроналик туйғуси кундан кунга*



*ошмоқда. Касаба
уюшмалари олиб бо-
раётган ҳар бир иш ва ҳара-
катлар замирида ҳар бир меҳ-
наткаш учун муносиб меҳнат шароитини
яратиш, оиласи ва фарзандини келажак-
гини таъминлашда кўмаклашиш,
маънавий жиҳатдан соғломлиги ҳамда
бахту-саодатини мужассамлаштиришга
йўналтирилган.*



*Янги Ўзбекистон касаба уюшмалари
олдига давр янги вазифаларни қўймоқда. Хусусан, меҳнаткаш-
ларимизнинг порлоқ ва буюк келажакини бунёд этиш, ёшлари-
мизни қўллаб-қувватлаш, миллатимизни миллат қилиб
турган юксак маънавий сифатларни ардоқлаб, уларни янада
бойитиш, ривожлантириш ва дунёга кўрсата олиш каби
вазифаларни адо этишда касаба уюшмалари фаоллик билан
олға қадам ташламоқдалар.*

*Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни яна бир бор Ўзбекистон
касаба уюшмалари кунининг байрами муносабати билан чин
дилдан табриклайман.*

*Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга файзу
барака, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар
тилайман.*

*Юксак ҳурмат ва эҳтиром ила Шерзод Йўлдашев Ўзбекистон
таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар
бўлинмаси Кенгаши раиси*

"САНЪАТИМ ВА ИЖОДИМ СЕНГА БАХШИДА - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМ"

Ижодкор аҳли тафаккур, ақл, кучли руҳий таассурот асосида ҳаёт ҳақидаги хулосаларни бизга қайсидир шаклда узатади. Шунинг учун ҳар бир тирик асарга ижодкорнинг дунёқараши, руҳий қуввати сингиб кетади. Ҳамма нарса шахсининг имкониятларини амалга ошириш учун атроф-муҳит қандай имкониятлар бера олишига боғлиқ. Албатта, ижодкор учун ҳам ижодий эркинлик муҳим масалалардан бири саналади.

"Ижод учун бирламчи навбатда зарур бўлган нарса эркинликдир. Эркинлик бўлмаса, ҳар қандай истеъдод ҳам жуда тез сўниб қолиши мумкин", деб таъкидлайди адабиётшунос Озод Шарафиддинов. Ёзувчи ўз ижоди давомида инсоннинг энг олий туйғуларини, унинг руҳияти, ҳаёт сўқмоқларидаги қийинчиликларни енга олиш хусусиятларига эга бўлиши лозим. Ҳар қандай иқтидор эгаси ҳам ижодий

камлаш, миллий ва маданий анъаналарга ҳурмат туйғуларини, эстетик дидни шакллантириш орқали ҳар томонлама комил инсон бўлиб



етишишларига хисса қўшиш, иқтидорларини аниқлаш, юзага чиқариш мақсадида 11 ноябрь - "Касаба уюшмалари кун" муносабати билан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар бўлинмаси кенгаши томонидан "Санъатим ва ижодим Сенга бахшида - Янги Ўзбекистони" кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танлов куйидаги йўналишларда ўтказилди:
анъанавий ижрочилик, эстрада



эркинликка эга бўлсагина, янгича бир кашфиётлар яратиши мумкин ёки ўз иқтидорини тўла-тўқис кўрсата олади. Киши онгида, дунёқарашида тутқунлик бўлар экан, ўз ҳаётида ва турмуш тарзида асло ижодий ўзгаришлар бўлмайди. Бундай инсонлар нурли, юксак чўққиларга кўтарила олмайди, балки янада тубанлик ва зулмат қаърига сингиб кетадилар. Қалбида инсоний туйғулар сўниб, шайтоний туйғуларга берилишади. Бундай ҳодиса нафақат бир инсон, балки бутун бир жамият учун ҳам зарарлидир.

Касаба уюшмаси аъзоларини ижодини ҳар томонлама қўллаб-қув

қўшиқчилиги, якка чолғу ижрочилиги, ансамбль чолғу ижрочилиги, якка рақс ижрочилиги, жамоа рақси ижрочилиги, ижод намунаси - (бадий асарлар, ҳикоя, шеърлар тўплами китоби). Танлов ҳақида иштирокчилар фикрлари билан қизиқдик.

"Биламизки 11 ноябрь Республикамизда «Касаба уюшма ходимлари кун» кенг нишонланиб келинмоқда ва кўплаб маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Бугун Қарши шаҳридаги Маданият саройида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар бўлинмаси кенгаши томонидан ажойиб тадбир



ватлаш, намоён этиш, бадий хаваскорликка ва санъатга жалб этиш орқали уларда Ватанга муҳаббат, миллатлараро дўстликни мустаҳ

ташқиллаштирилган. Бунда шаҳаримиздаги барча таълим муассасалари яъни умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим таш

килотларида фаолият юритиб келаётган ўз иқтидорига ишонган ижодкор, устозларимиз ҳамда тарбиячи опаларимиз бугун бир жойда жам бўлиб битта байрамга йиғилганмиз. "Санъатим ва ижодим Сенга бахшида - Янги Ўзбекистони" кўрик-танлови ўтказилди. Бу танловда иштирокчилариз 7 хил йўналиш бўйича ўзларини иқтидорларини намоён этишди. Ўйлайманки бундай тадбирлар барчага кўтаринки руҳ беради янада самарали ва сифатли ишлашлари фаолиятларини юритишлари туртки бўлади. Уларни руҳия

Ватан ва аёлларга атаб ёзилган шеърларимни барча томошабинларга армуғон этмоқчиман" - дейди биз билан суҳбатда бўлган Қарши шаҳар 5-умумий ўрта таълим мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси Ораста Убайдуллаева.

Кўрик-танлов ғолибларини танлаш чоғида уларнинг ижрочилик маҳорати, куй-қўшиқларнинг мазмуни, сахнадаги ҳаракати, кийимлари эътиборга олинди.

"Бугун мана шундай катта тадбирда анъанавий йўналиш бўйича гуруҳимиз билан Муқимий ижодига мансуб "Сочим учи қўнғироқ" газали билан қатнашдик. Байрам жуда кўтаринки руҳда ўтмоқда. Қолган иштирокчиларга ҳам омад ва зафар

лар тилаб қоламан" - дейди биз билан суҳбатда бўлган Қарши шаҳар 31-умумий ўрта таълим мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси Гўзал Чориева.

Кўрик-танлов фақат бир босқичда яъни шаҳар босқичи ўтказилди ва шу босқичда якунланди. Танлов натижаларига кўра:

Анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича:

1-ўрин 48-ДМТТ музика раҳбари Зухра Рашидова,

Эстрада кўшиқчилиги:

1-ўрин 5-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ораста Убайдуллаева.

Якка чолғу ижрочилиги:



тини кенгайтиради. Ўзларига бўлган ишонч ортади. Мана шундай тадбирлар кўпроқ бўлишини хоҳлаб қолардим. Тадбир ташкилотчилари



га раҳмат айтаман ва иштирокчиларга омад тилайман" - дейди биз билан суҳбатда бўлган Қарши шаҳар 31-умумий ўрта таълим мактаб касаба уюшма раиси Феруза Эшонқулова.

"Она тили ва адабиёт ўқитувчиси ман, сўзни илоҳийлигини инсониятга, фарзандларга, келажақга етказиб беришимиз керак, сўзни жуда қадрлайман. Бугунги танловда 3-хил йўналишда иштирок этмоқчиман. 1-йўналиш яъни анъанавий ижрочилик бўйича Алишер Навоий газалига мансуб "Ишқ" кўшигини ижро этдим. Эндиги навбат миллий эстрада йўналиши, бунда Юлдуз Усмонова ижросидаги "Ватан" кўшигини ижро этмоқчиман. 7-йўналиш ижод намунаси, бунда ўзимнинг

1-ўрин 27-мактаб музика фани ўқитувчиси Умида Қодирова.

Жамоа рақси ижрочилиги:

1-ўрин 30-ДМТТ.

Якка рақс ижрочилиги:

1-ўрин 47-мактаб математика фани ўқитувчиси Гавҳар Сатторова.

Кўрик-танловнинг ҳар бир йўналиши бўйича ғолиблари Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар бўлинмаси кенгашининг дипломи ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланади. Бундан ташқари касаба уюшма кенгашида анча йиллардан буён ишлаб, нафақага чиқган фахрийларга кенгаш томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Гулзода ШОДМОНОВА

Қадрли ҳамкасблар, азиз шифокорлар, барчангизни "Тиббиёт ҳодимлари куни" билан муборакбод этаман. Барчангизга соғлиғ, саломатлик, халқимиз саломатлигини асраш учун туганмас куч, мустаҳкам ирода тилайман. Ҳеч қачон халқимизнинг дардига даво топиб уларнинг дуосини олишдан чарчаманг.

Биз шифокорлар халқимизнинг соғлиғи ва қувончига масъулдирмиз. Инсонлар соғлом экан, уларнинг юзида кулгу, кўзида қувонч акс этади. Буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темур айтганларидек 1000 та аскардан 1 та табиб афзал. Зеро, миллион-миллион одамларнинг саломатлигини, куч-қувватини асраш учун биз шифокорлар жавобгардирмиз. Шифокорлар саломатлик посбони демакдир. Ҳар қайси бемор шифохонага келар экан умид ила биз шифокорларга боқшади. Аллоҳнинг амри билан шифо топишгандан кейин эса уларнинг шодлиғи дунёларга сизмай кетади. Уларнинг мана шундай шодлигини кўришдан Аллоҳ биз шифокорларни бенаиб айламасин. Уларнинг кўзидаги умид учқунларини йўқотиб қўймайлик. Юксак ҳурмат ва эътиром ила Касби туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 10-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Лазиз Шарипов



ҚАНДЛИ ДИАБЕТ

шунинг учун уни доимий равишда инъекция орқали юбориб турилади.

2-тип қандли диабет (инсулинга боғлиқ бўлмаган). У қирқ ва эллик ёшдан ошган одамларда учрайди, унинг пайдо бўлишининг сабаби тўқималарнинг инсулинга анормал сезгирлигидир. Бундай диабетда шакарнинг ўзлаштирилиши қийин кечади, инсулинни инъекция орқали юбориш талаб қилинмайди.

Қандли диабетнинг ривожланишига: Ортиқча вазн;

Ирсий мойиллик, сабаби, касалликлар чалинган беморларнинг 9% ида диабет билан оғриган

қариндошлари бор;

Нотўғри овқатланиш тартиби (овқатланиш рационада клетчатканинг етишмаслиги ва углеводларнинг кўплиги); диабетоген дори воситаларини қабул қилиш (диуретиклар, глюкокортикоид гармонлар, ситостатиклар, гипотензивдорлар);

Юрак-қон томир касалликларининг мавжудлиги омил бўлади.

Бу касалликда истеъмол



қилиниши мумкин бўлган маҳсулотлар:

қора нон, гўшт, сабзавот ва балиқ қайнатмалари, парранда гўшти, мол гўшти, балиқ, дон маҳсулотлари, мевалар, сут маҳсулотлари (микдори ни шифокор билан маслаҳат қилиш керак), чой, қахва, шарбатлар (қунига 5 стакандан кўп бўлмасин), ўсимлик ёғи ва сариеғлар.

Истеъмол қилиниши мумкин бўлмаган маҳсулотлар:

Спиртли ичимликлар, ҳайвон ёғлари, ширин қуритилган мевалар, дудланган гўшт, консерва маҳсулотлари, тузланган бодринг, хантал, қалампир, оширма хамирдан пишириклар, ширинликлар.

Ҳозирда халқимиз орасида кўп учраётган "Қандли диабет" касаллиғи ҳақида айтиб ўтадиган бўлсак, бу метаболик жараёнларнинг нотўғри ишлаши бўлиб, у инсулин даражасининг пасайиши ва шу билан бирга қонда шакар миқдорининг ошиши натижасида келиб чиқади. Бу касаллик халқ табибатида қадимдан маълум. Бу касалликда ташналик, озиб кетиш, қувватсизлик, тананинг қичишиши каби аломатлар кузатилади. Статистик маълумотларга қараганда, қандли диабет касаллиғи метаболизм бузилиши туфайли юзага келадиган иккинчи энг кенг тарқалган касаллик ҳисобланади (семизлик биринчи ўринда).

Қандли диабетнинг оғирлиги жиҳатидан енгил, ўртача ва оғир бўлиши мумкин. Ушбу касалликнинг тўртта асосий клиник шакли мавжуд:

1-тип қандли диабет (инсулинга боғлиқ). Ўттиз беш ёшгача бўлган одамларда ва ёш болаларда учрайди. Инсулиннинг табиий ишлаб чиқарилиши бутунлай тўхтади,



АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИ ЎТКАЗИШ

Рўйхатга олишда қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўзи ҳақидаги маълумотларни тақдим эта туриб, ўзлар мансуб бўлган кишилар гуруҳига тегишли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Мисол учун, ишсизларнинг сўровномадаги жавоблари меҳнат бозорини ўрганиш ва айнан керакли жойда янги иш ўринлари яратиш имконини берса, болалар сони тўғрисидаги маълумотлар мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва шу каби муассасалар қурилиши режаларини тузишда қўл келади. Ёш ҳақидаги маълумотлар пенсияга чиқади-ганлар сони, уларнинг пенсия тўловлари учун зарур бўладиган маблағларни жамғариб бориш имконини беради. Ҳар йили мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари ёки олий таълимга қабул қилинадиган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам худди шундай шаклланади. Яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар эса ҳар биримизнинг уйимизгача келадиган йўллар қурилиши, коммуникациялар билан таъминлашни режалаштириш учун зарур.

Аҳолини рўйхатга олиш - Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи, шахсга доир маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов бериш ҳамда якуний маълумотларни тарқатиш ва фойдаланишнинг даврий жараёни ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий мақсади мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш, демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва прогнозлаш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишни ўрганиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун аҳоли тўғрисида ишончли ва холис ахборотларни олиш ҳисобланади.

Худойкул МАХМАДАЛИЕВ,
Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи

"ЯШИЛ МАКОН" УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲА

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг энг муҳим вазифаларидан бири инсон ҳаёт сифати ва фалари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқинга кўтариш белгилаб қўйилди.



ривонлигини оширишдан иборат бўлиб, давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқинга кўтариш белгилаб қўйилди.

Аҳоли ҳаёт сифати - умумлаштирувчи ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, нафақат моддий неъматлар ва хизматларни истеъмол қилиш даражасини (турмуш даражасини), балки маънавий эҳтиёжларни қондириш, саломатлик, умр кўриш давомийлиги, атроф-муҳит экологик шароитларни, ахлоқий-психологик иқлим, маънавиятни ўз ичига олади. Ўзбекистонда аҳоли ҳаёти сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар жумласида мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни таъкидлаб ўтиш керак. Ҳузор саноати техникумида ҳам "Яшил макон" лойиҳалари амалга ошириб келинмоқда. Техникумда 300 дан ортиқ дарахт кўчатлари экилди.

Фахриддин МЕЙЛИЕВ,
Ҳузор саноат техникуми касаба уюшма раиси

"ОНА БОР ДУНЁДА ЯШАШ БОШҚАЧА"

Она бор қувончнинг гашти ўзгача,
Еган ошу нонинг таъми ўзгача,
Борингда, йўғингда жон болам деган,
Она бор дунёда яшаш бошқача.

Ҳар айтган сўзлари дардинга дармон,
Сени ёлғизлатиб қўймас ҳеч замон,
Дуосин олиб қол бўлмасдан армон,
Она бор дунёда яшаш бошқача.



"Қаддингни тик тутгин, мен борман" деган,
"Бобо бўлсанг ҳамки боламсан" деган,
Олтишга кирсанг ҳам ғамингни еган,
Она бор дунёда яшаш бошқача.

Бу фоний дунёдан кетса нетасан,
Бир сирдош тополмай тўлиб кетасан,
Онангнинг қадрига қачон етасан?,
Она бор дунёда яшаш бошқача

Гулсевар ЧОРИЕВА,
Касби туман 44-мактаби 8-синф ўқувчиси

"ОТА-ОНАНГ ТОПИЛМАЙДИ"

Яхши бўлсанг ёмон сўзлар отилмайди,
Афсус, меҳр бозорларда сотилмайди.
Бу дунёда не изласанг топарсан лек
Пойи жаннат ота-онанг топилмайди,

Меҳнат қилсанг чўнтагингда пулинг бўлар,
Пулинг бўлса машина-ю уйинг бўлар,
Ҳар қадамда етадиган қўлинг бўлар,
Пойи жаннат ота-онанг топилмайди.



Меҳр берсанг, энг аввало, уларга бер,
Вақтинг ажрат, кунларингни уларга бер,
Ёрга олган гулларингни уларга бер,
Пойи жаннат ота-онанг топилмайди.

Сен йиғласанг ачинмайди чин дўстларинг,
Оху - воҳга тўлганида дил сўзларинг,
Дуо қилар ўша икки ёлғизларинг,
Пойи жаннат ота-онанг топилмайди.

Чарос ҚИЛИЧОВА,
Касби туман 44-мактаби 8-синф ўқувчиси



Маънавий-маърифий,
ижтимоий-оммабоп нашр

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0811 - рақам билан 02.02.2012 йилда рўйхатга олинган. Газета «Photo Express» ИЧКда офсет усулида 150 нусхада чоп этилди. БОСМАХОНА МАНЗИЛИ: Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Бош муҳаррир:
Сарвиноз ХУСАИНОВА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:
Келажақ интернет телерадиокомпанияси

Навбатчи муҳаррир:
Гулзода ШОДМОНОВА

Газета Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатилади.

<http://vohapress.uz>

e-mail: gazeta.voha@mail.ru

Саҳифаловчи:
Ахрорбек ШУҲРАТОВ

Газета ҳафтанинг жума кунлари чоп этилади. Сотувда эркин нархда.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газетада INTERNET материалларидан фойдаланилди. Таҳририятга келган қўлёзмаларга жавоб ёзилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Муассис: «Қашқадарё кўзгуси ОАВ» МЧЖ Газета муассис компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

Қаршида: 180018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй, 1-қават.

ТЕЛЕФОН:
+99875 227-50-04

РЕКЛАМА, ОБУНА ВА СОТУВ БЎЛИМИ:
+99890 517-50-05

Нашр индекси - 659. Топширилди: 19.00. Босишга топшириш вақти: 21.30. Буюртма № . Ҳажми 2 босма табоқ. Бичими А3. 1 2 3 4 5 6



16+

11 НОЯБРЬ – КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Хурматли Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ходимлари, ҳамкасблар, сизларни бугунги касб байрамингиз билан "Талимаржон ИЭС" АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Нормуинов самимий муборакбод этади.



Бугун мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида олиб борилаётган ҳақчил ислоҳотлар, инсон манфаатларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай ишлар замирида халқимиз турмуш даражасини ошириш, инсонларнинг эртага эмас, бугун яхши яшашини ва фаровонлигини таъминлаш каби эзгу мақсадлар мужассам. Сизларнинг касбингизга бўлган меҳрингиз ва фидойилигингиз инсон манфаатлари учун қилаётган меҳнатларингиз самараси халқимизнинг бунёдкорлик руҳи ва яратувчанлик кайфиятида, кенг дунёқараши ҳамда она ватанимизга бўлган садоқатида намоён.



БАЙРАМ МУБОРАК АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

